



ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ
Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳукукига
лицензия олиш

Хизматдан фойдаланиш

Хизмат хақида:

Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳукукига лицензия олиш.

Хизматнинг соҳага тегишлилиги:

Фан ва таълим.

Хизматдан фойдаланувчининг тоифаси:

Юридик шахслар.

Ташкилот:

Давлат тест маркази

Богланиш:

Манзил: 100202, Тошкент ш., Богишамол кучаси, 12.

Телефонлар: (+99871) 234-64-21, 234-46-83;

Электрон почта: info@dtm.uz;

Веб-сайт: www.dtm.uz

Хизматни курсатиш учун керак буладиган ҳужжатлар:

Электрон аризадаги барча мажбурий жойлар тулдирилган ҳолда Ягона портал орқали юборилади.

Хизматни курсатишнинг ҳукукий асоси:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 мартдаги «Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 100-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги «Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларга ўқитиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 169-сон қарори.

Хизмат нархи ва тўлаш тартиби:

Лицензия талабгорининг аризаси куриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баровари миқдорида йигим ундирилади.

Лицензиянинг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси куриб чиқилганлиги учун йигим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига утказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда туланган йигим суммаси кайтариб берилмайди.

Хусусий ўқув юртлари фаолиятини ва унинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни амалга ошириш учун лицензия бериш учун давлат тўлови Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг ун баробарида ҳақ тўланади. Давлат божи Республика бюджетига ўтказилади.

Хизматни курсатиш муддати:

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб уттиз кундан ортик булмаган муддатда қабул қилинади.

Натижани олиш усуллари:

Ариза берувчи лицензияни давлат органига шахсан ташриф буюриши орқали олади.

Хизмат натижаси

Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олиш.

Рад этиш сабаблари:

- Лицензияга талабгори томонидан ҳужжатларни нотўғри расмийлаштирилиши тегишли тартибда тақдим этилмаслиги;
- Лицензияга талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;
- Лицензияга талабгори тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;
- Лицензияга талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига номувофиклиги;
- Бошқа асосларга кура, шу жумладан лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз билан лицензия беришни рад этишга йул куйилмайди.

Шикоят аризаси бериш тартиби:

Лицензияга даъвогар шахс лицензияловчи органнинг қарори, шунингдек лицензияловчи органнинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда ёки Ягона портал орқали шикоят қилиш ҳуқуқига эга.